O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 2 август, № 150 (4303) Пайшанба

# ЁЗ НЕЪМАТИ – ДАСТУРХОН ЗИЙНАТИ



**Пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларига ҳозирда 21 та йирик бозор, уларнинг 70 та филиали хизмат кўрсатмоқда.**

*Бугун юртимизда айни пишиқчилик. Сархил мевалар, тилими тилни ёрар қовун ва тарвузлар бозор расталарига сиғмайди. Эрта тонгда узилган турфа сабзавотлар, меваларни истеъмолчи танлаб-танлаб харид қилади.*

*"Олой" деҳқон бозори, айниқса, ўзига хос меъморий услубда бунёд этилган бўлиб, у савдо-сотиқнинг барча талабларига жавоб беради. Кираверишда кундалик сотувда бўлган маҳсулотларнинг ўртача нархи кўринарли қилиб ёзиб қўйилган. Халқнинг турмуш даражасини маълум маънода ифодаловчи бозор расталарини ораласангиз, бахри-дилингиз очилади. Гўё она диёримиз бағрида етиштирилган нозneъматларнинг ўзига хос кўргазмаси намоён бу ерда.*

**СУРАТДА:** "Олой" деҳқон бозоридан лавҳа.

**Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.**

*Покистоннинг қатор оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистонга бағишланган туркум мақолалар эълон қилинди. Жумладан, мамлакатда инглиз тилида чоп этиладиган **«Balochistan Today» журнали** жорий йили 2750 ҳамда 2000 йиллик тўйларини кенг нишонлайдиган Самарқанд ва Марғилон шаҳарлари ҳақида ҳикоя қилувчи мақолаларни ўқувчилар эътиборига ҳавола қилди.*

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЎҲНА ВА БЕТАКРОР ШАҲАРЛАРИ ПОКИСТОН МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДА

«Самарқанд – Шарқ ганжинаси» сарлавҳали мақола кўҳна шаҳарнинг тарихи ва бугунги кунига бағишланган. «Самарқанд ўзининг улуғворлиги бўйича Ўзбекистоннинг иккинчи шаҳри ҳисобланади ва Рим, Афина, Вавилон каби буюк шаҳарлар билан бир қаторда туради, деб ёзади нашр. Икки минг йил давомида у Буюк Ипак йўлида муҳим савдо маркази ролини ўйнаган. Ўрта асрларда – буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур салтанати даврида шаҳар Марказий Осиёнинг сиёсий-иқтисодий, маданий ва илмий маркази бўлган.

Кўплаб шоир, ёзувчи, олим ва сайёҳатчилар бу шаҳарнинг нафосати ва улуғворлигига мафтун бўлган. Ўз тарихида Самарқанд жаҳоннинг не-не ҳукмдорлари эътиборини жалб этган. Шаҳарнинг энг ёрқин саҳифалари Амир Темур номи билан боғлиқ бўлиб, бу даврда у жаҳоннинг жуда қудратли давлатларидан бирининг пойтахтига айланган эди.

Бугунги кунда Самарқанднинг тарихий ва маданий аҳамияти БМТ, ЮНЕСКО, Жаҳон сайёҳлик ташкилоти томонидан эътироф этилган».

Журнал саҳифаларидан жой олган яна бир мақолада Марказий Осиёдаги гўзал шаҳарлардан бири – Марғилон ҳақида ҳикоя қилинади. «Марғилон шу йил ўзининг 2000 йиллигини нишонлайди, деб ёзади мақола муаллифлари. Бу шаҳар тарихи минг йилликларга бориб тақаладиган ўзбек давлатчилиги пайдо бўлиши ва ривожланишининг тимсоли бўлиб, инсоният цивилизациясининг бешикларидан бири ҳисобланади.

Марғилон Европа ва Осиёни бир-бирига боғловчи Буюк Ипак йўлидаги муҳим савдо ва маданий марказдир.

(Давоми 2-бетда).



## ОМАД КИМНИКИ? БИЛИМДОННИКИ!

*Кеча республикамиздаги барча олий ўқув юртларида тест синовлари бўлиб ўтди. Талабаликка номзод **345** минг **200** нафар абитуриент ўз билимини синовдан ўтказди.*

Бу бир ўрин учун 6 нафар абитуриент курашди, деганидир. У тест синовларини муваффақиятли топшириб, олий ўқув юртларида ўзи истаган мутахассислик бўйича етарли билим олиш, Ватан ва эл-юртига сидқидилдан хизмат қилишни мақсад қилган оловқалб ёшлардир.

— Бугуннинг ёшлари том маънода илм-фанга чанқоқ авлоддир, — дейди Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори Баҳром Исмоилов. — Юртимизда таълим тизимига эътибор ва мактаб таълимини ривожлантириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиши малакали кадрлар тайёрлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Кечаги тест синовларида ҳам бу нарса яққол сезилиб турди. Юртбошимизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!» деган башоратларини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Икки ҳафтадан сўнг эса тест синовлари жавоблари эълон қилиниб, омад билимдонларники эканлиги яна бир карра тасдиғини топади.

**Г. ЙЎЛДОШЕВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

М. АМИН (ЎзА) олган сурат.

Республика фермер хўжаликлари уюшмаси ташаббуси билан Самарқанд туманида «Мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

## ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ОШАДИ

Унда Президентимизнинг 2006 йил 11 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бўйича амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Таъкидландики, кейинги йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш суръати ошиб, сифати янада яхшиланаяпти. Фермерлар ва қайта ишлаш корхоналарининг экспорт имконияти кенгайиб бормоқда.

Семинар қатнашчилари Самарқанд туманидаги фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи «Агромир» мева-сабзавотни қайта ишлаш корхонаси, «Абдурауф Давронов» фермер хўжалиги, Самарқанд шаҳридаги «Кинап» акциядорлик жамияти каби бир қатор корхоналарда бўлишиб, фермерлар томонидан етиштирилаётган маҳсулотларни қайта ишлаш жараёни билан танишдилар.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




## ЮРТГА МУНОСИБЛИК САОДАТИ

***Аскар хизматдан қайтди. Йигитлик палласининг навбатдаги бурчини адо этиб, Ватан туйғусини вужуд-вужудидан ҳис қилиб, ота-онаси бағрига, қадрдон маҳалласига келди. Энди у хизматга отланган дамлардаги йигит эмас. Қадам ташлашлари, ён-атрофга назар солишлари мутлақо ўзгача. Ҳарбий хизмат кезлари кўнглидан кечган туйғулар, уйдагиларни, ёру биродарларни соғиниш ҳам унинг тўлақонли инсон сифатида камолга етишига хизмат қилган.***

***Хўш, ҳаётингизнинг ана шу муҳим манзилида кўнглингизда нималар кечаяпти? Аскарлик ҳаёти сизга нима берди? Ушбу саволлар билан ҳарбий хизматни ўтаб қайтган икки юртдошимизга мурожаат қилдик.***

### Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

— Болалигимда акаларим армия ҳаёти ҳақида кўп гапиришар эди. Мана, ўзим ҳам аскарлик ҳаётини бошдан кечирдим. Армияда қанчалик қийналма, барибир бу дамларнинг гашти бошқача бўлар экан. Гоҳида ўн-ўн беш километрлаб югурасан. Ҳарбий техникадан фойдаланишни ўрганасан. Ёзнинг иссиғини иссиқ демай, қишнинг қаҳратон совуғини писанд қилмай машқларни бажарасан. Ярим тунда тревога сигнали чалингандан сўнг ўрнингдан ўқдай отилиб туриб, белгиланган манзилга, жанговар шай ҳолатда етиб бориш талаб этилади. Кейинчалик англадимки, жанговар тайёргарлигимиз, энг аввало, халқимиз осойишталиги, давлатимиз хавфсизлигини таъминлаш учун керак экан. Биз мамлакатимиз сарҳадларини ёвуз кучлардан мудофаа қилишимиз учун чиниқишимиз кераклигини оғир машқлар бажараётганимизда ҳис қилдик. Буни мен каби муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ўртоқларимнинг барчаси билишади. Улар бир ҳақиқатни англашадики, юртимиз аскари кечаю кундуз жанговар ҳолатда шай туриши, ҳар нарсадан огоҳ бўлиши лозим. Биз армияга бориб ана шу фарзандлик бурчимизни ҳис этдик. Шунга муносиб бўлишга интилдик.

Хизматни аъло даражада ўтаганим учун қисм қўмондонлиги томонидан имтиёзли тавсиянома билан тақдирландим. Бу мени жуда ҳам руҳлантириб юборди. Ахир, имтиёз жамиятда ўз ўрнимни топишимда катта имконият яратиб бермоқда. ЎзМУга ўқишга кириш учун тест синовларини топширдим. Айни пайтда жавоблар эълон қилинишини кутаяпман. Ушбу олий даргоҳнинг талабаси бўлишга жуда яқин турибман. Насиб бўлса, ўзим орзу қилган касбни эгаллайман.

Ҳарбий хизматни ўтаб, Ватан олдидаги дастлабки бурчимни бажардим. Бу билан барча масъулият зиммамдан соқит бўлди, дея айта олмайман. Ота-онам, оилам, маҳаллам, халқим олдидаги бурчим, масъулиятимни адо этишим лозим. Энг муҳими, мени умид билан катта қилган, вояга етказган ота-онам орзуси — халқимга муносиб ўғлон бўлишим керак. Юртимнинг ривожланишига ўз ҳиссамни қўшишга ҳаракат қилишни ўзимнинг фарзандлик бурчим деб биламан.

**Фарҳод НУРМАТОВ.**
Жиззах вилояти,
Пахтакор тумани.

— Ҳарбийлар ҳаёти менга ёқиб қолди. Ёшлигимдан спортга қизиқардим. Муддатли ҳарбий хизматга келганимда, бу ерда спорт билан шуғулланиш учун яратилган шарт-шароитларни кўриб, роса қувондим. Спорт заллари. Қишки ва ёзги стадионлар. Бассейн. Аскарнинг ҳаёти ҳам бевосита спорт билан боғлиқ. Қолаверса, ҳарбий тартиб-интизом жуда қаттиқ. Белгиланган кундалик машқлар ўз вақтида бажарилиши керак. Бундай ҳолатда ҳар қандай одам юксак жисмоний тайёргарликка эришиши турган гап.

Менимча, бу каби шароитда хизмат бурчини ўтаган ҳар қандай йигит бутун умр армияда қолишни орзу қилса керак. Хизмат бурчимни ўтаб юрган кезларимда офицер бўлишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Хизматни якунлаб келишим билан Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртига ҳужжатларимни топширдим. Одам нимaники мақсад қилса ва уни рўёбга чиқариш йўлида сидқидилдан интилса, албатта, ижобат бўлар экан. Имтиҳонларни аъло даражада бажариб, мазкур ҳарбий билим юртининг курсанти бўлдим. Бу мен учун ҳам мукофот, ҳам масъулият. Бутун умримни халқим ва давлатим хавфсизлигини таъминлашга бағишлаётганимдан фахрланаман. Шу Ватан тинчлиги менинг ҳам тинчлигим. Унинг қувончи менинг ҳам шодлигим.

**Жамшид ПРИМОВ.**
Қашқадарё вилояти,
Касби тумани.

«Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўл қурилишида



## ШЎРОБДА УЧРАШАМИЗ

Халқимизда бир яхши одат бор. Янги уй қурса, ўғли улғайиб вояга етса, ишлари ўнгидан келса, албатта, элга ош беради. Куни кеча «Шўроб» қишлоғида темирйўлчилар ош бердилар. Зеро, «Оқработ»дан «Шўроб», «Шўроб»дан «Оқработ» томон пўлат изларни ётқизиб келаётган йўл қурувчилар катта бир ютуқни қўлга киритишди. 220 километрлик масофа эгалланди. Яна 3 километрдан сўнг пўлат излар туташади. Бу қувонч учун элга ош берса арзийди.

— Ёшим саксонда. Тўққиз ўғил-қизнинг отаси, етмиш неваранинг бобосиман, — дейди шўроблик Мавлон бобо Аҳмедов. — Қишлоғимизда 120 хўжалик бор. Темир йўлнинг ўтиши қишлоғимизнинг кўринишини, аҳолимизнинг турмуш маданиятини ҳозирданоқ ўзгартириб юборди. Насиб бўлса, одамларимиз ишли, бой-бадавлат бўлади.

**Г. САИДМАЛИКОВ.**

### БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**2007 йилнинг биринчи ярмида республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми**

**5.5 фоизга ўсди.**

Ўтган олти ой мобайнида қишлоқ хўжалигида ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш жараёни амалда тугаллангани, яъни ер ўзининг ҳақиқий эгасини топганлиги натижасида бошоқли дон, картошка, сабзавот, полиз маҳсулотлари, гўшт ва пилла кўп етиштирилгани ана шу ютуқни таъминлашда муҳим омил бўлди.

## МАМЛАКАТ бўйлаб

### Чирчиқнинг янги трансформаторлари

***Чирчиқ трансформатор заводи радиоэлектроника ва электртехника анжомлари тайёрловчи "Ўзэлтехсаноат" ассоциацияси тизимидаги энг пешқадам корхоналардан ҳисобланади.***

У ҳозирга қадар 25 минг килоВатт кучланишга эга бўлган трансформаторлар ишлаб чиқариши билан юртимизда машҳур эди. Яқинда корхона замонавий электр қурилмаларга эҳтиёж кучайганини назарда тутиб, ўз фаолиятида ўзгариш ясади. Мижозларга 63 минг килоВатт кучланишли янги трансформаторлар етказиб берила бошланди.

**А. ҲАЙДАРОВ,**
***"Халқ сўзи" мухбири.***

### «Йилнинг энг яхши ижтимоий соҳа ходими»



Самарқанд шаҳридаги «Саховат» уйида шаҳар ҳамда туманлар ижтимоий таъминот бўлимлари ходимлари ўртасида «Йилнинг энг яхши ижтимоий соҳа ходими» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Барча саволларга аниқ ва тўғри жавоб берган Иштихон тумани ижтимоий таъминот бўлими ходимаси Бахтинисо Отамуродова танловнинг Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

**А. САТТОРОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

### Харидоргир ширинликлар

**Гурлан туманида хусусий тадбиркор Маҳмуд Ўразбаев нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.**

У ўз корхонасига Россиянинг «Виникс» компаниясидан лизинг асосида 24 млн. сўмлик замонавий ускуналар олиб келиб ўрнатди. Натижада, бу ерда 8 та янги ишчи ўрни очилиб, 17 турдаги қандолат ва нон маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Маҳсулотларнинг сифати юқорилиги боис харидорлари ҳам кўп. Нон ва қандолат маҳсулотлари фирма дўконидан ташқари ўнта мактаб ва йигирмата болалар боғчаларига ҳам етказиб берилаяпти.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

### Муҳим масалалар таҳлил қилинди

***Фарғона вилоятида "Ўзбекистонда меҳнат миграцияси жараёнларида иштирок этаётган хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояси" мавзуида икки кунлик семинар бўлиб ўтди.***

Анжуман Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Бирлашган миллатлар ташкилотининг Ривожланиш дастури билан ҳамкорликда ташкил этилди. Мамлакатимизда 2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши натижасида аёлларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясига эътибор кучайганлиги тадбирда алоҳида таъкидланди. Семинар иштирокчилари юртимизда турли ташкилотларнинг аёллар меҳнат миграциясига боғлиқ масалаларда ҳамкорлиги, Ўзбекистон Республикасининг меҳнат миграцияси бўйича қонунчилиги ва бошқа масалаларни кўриб чиқдилар.

Тадбирда Хотин-қизлар қўмитаси ходимлари, Фарғона вилояти адлия, ички ишлар бошқармалари, "Маҳалла" жамғармаси ва вилоят нодавлат нотижорат ташкилотлари аъзолари иштирок этдилар.

**О. ФАЙЗИЕВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири***

### Гузар ишга тушди

**Жондор туманидаги Кўлиён маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси энг улуғ, энг азиз байрамимизни муносиб тухфа билан кутиб олмоқда.**

**Сабаби, куни кеча мазкур маҳалла ҳудудида замонавий қулайликларга эга гузар фойдаланишга топширилди. Тадбиркорлар ва ҳомийлар саъй-ҳаракати билан қад ростлаган янги масканда савдо дўконлари, чойхона, сартарошхона ва бошқа турдаги маиший хизмат кўрсатиш объектлари ўрин олди.**

**Ш. ОРТИҚОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

### Корхона — мактаб ҳомийси

***Навоий шаҳридаги "Қизилқумцемент" очиқ акционерлик жамияти мамлакатимиздаги йирик саноат корхоналаридан. Бу ерда йилига уч миллион тоннадан ортиқ цемент ва бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади.***

Олинган фойданинг салмоқли қисми ҳомийлик ва хайрия ишларига сарфланмоқда.

Корхона жамоаси Навоий шаҳридаги 15-мактабни ўз оталиғига олган. Шу боис қурилиш-таъмирлаш ишларида, мактабга янги ўқув жиҳозлари етказиб беришда "Қизилқумцемент"нинг ёрдами катта бўлаётир.

Жорий йилда жамоа мактабдаги ахборот-ресурс маркази учун 1,2 миллион сўмлик дарсликлар ва бадиий китоблар, шунингдек, қарийб беш миллион сўмлик спорт анжомлари тухфа қилди.

**Ёрқул УМАР,**
**ЎзА мухбири.**

***— Ўҳў-ў, Тошкент роса ўзгариб кетибди-ку, — деди дўстим Амин теваракка завқ билан аланглаbркан. — Анави баланд иморат биллурдан қурилганми дейман, жимир-жимир товланишини-чи... Мана кўприкка қаранглар, шаҳарнинг қоқ белида худди Алпомишнинг ёйидай ястаниб ётибди. Буни ҳам илгари ҳеч кўрмаганман.***

***Биз ўтирган машина таранг тортилган тасмадек равон, кенг йўл бўйлаб елиб бормоқда. Ўнгу сўлда серҳашам, сержилва шаҳар. Орқа ўриндиқдаги Амин шўх боладай ирғишлайди. Мен таажжубланиб уни кузатаман. Кун сайин, соат сайин кўркига кўрк қўшилаётган пойтахт Аминни қанчалар ҳайратга чўлғаган бўлса, кўришмаганимиздан бери буткул ўзгариб кетган дўстим ҳам мени шунчалар ҳангу манг қолдирган эди.***

**Замондош билан юзма-юз**

# МУЛКЛИ, ЭРКЛИ, КЎРКЛИ

Амин билан синфдошмиз. Уни сўнгги бор роппа-роса етти йил аввал қишлоқдаги бир маъракада учратгандим. Чала куйган тарашадек бир чеккада мунғайиб турарди. Гапсўзидан маълум бўлдики, Амин ўша кунлари қўшни юртларнинг биридан илиги қуриб қайтган экан.

«Мўмай даромад излаб боргандим, — дея ҳасрат қилди у, — лекин номардлар боплаб алдашди. Икки йил эзиб ишлатиб, кейин итдек ҳайдаб юборишди».

Ўша учрашувдан сўнг Аминни бошқа кўрмагандим. Мана, қаршимда турибди у! Қўрғошиндан қуйилгандай қорувли, бақувват, юз-кўзидан шиддат, ғайрат ёғилади. Уст-боши пўрим, қўлида мобил телефони. Отаси — Худойназар бувамни пойтахт врачларига кўрсатиш учун олиб келибди.

Амин билан қизғин суҳбатлашдик. Дўстим ўша, аламли чет эл сафаридан сўнг фермерликка уннабди.

— Аввалига 10 гектар ер олдим. Кейинги йил уни 25 гектарга етказдим. Шу кеча-кундузда эса 60 гектар ерим бор, — дейди Амин ғурурланиб, — мана, отамнинг йўл-йўриғи, маслаҳатлари билан ишлаб ётибмиз-да.

Дарҳақиқат, Аминнинг отаси — Худойназар Чориев маслаҳат берса бергудек, ўргатса ўргатгудек оқсоқоллардан. Бир умр пахта пайкалидан чиқмаган инсон. Илгарилари, «Худойназар бригад» деса уни туман тугул, бутун вилоятда яхши танишарди. Чунки ҳар йили режа-мажбуриятларини дўндирадиган машҳур пахтакор эдида. Аммо хирмонлари юксалган сайин Худойназар бригаднинг қадди букчайди, мадори кетди. Қуруқ мақтовлар, мажлисларда елкасига қоқиб, ўзгаларга намуна қилиб кўрсатишлар кунига ярамади. Даста-даста «Фахрий ёрлиқ»лар кези келганда, ҳатто тандирига тутантириқ ҳам бўлмади. Чўнтак қуп-қуруқ, рўзғор эса катта. Худойназар бригад адолатсизлик олдида лол қотди. Лекинноилож. Охир-оқибат, бир умрлик фидойи меҳнатлари эвазига бел оғриғи, бош оғриғини орттириб, амал-тақал билан нафақага чиқди.

Мен Худойназар буванинг ўша серзаҳмат пахтакорлик даврини эслар эканман, туйқус бир аччиқ ҳақиқатни англаб етгандек бўлдим. Худойназар бригад ўз фожиасини ўша пайтлардаёқ тушуниб етган.

«Болаларим, — деди бир куни у Амин иккимизни ёнига ўтқизиб, — менга ўхшаб қора тупроққа қоришиб ўтманглар, ўқинглар, битта-биттадан устулнинг эгаси бўлинглар.

Қарангки, машҳур пахтакор уқубатлардан қутилишнинг бирдан-бир йўли «устул эгаси», яъни амалдор бўлиш, деб билган. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ўша давр муҳитида каззоб, юлғич амалдорларнинг ҳамиша ошиғи олчи, турмуши тўкин бўлган. Барча, ҳатто донгдор деҳқонлар ҳам уларга ҳавасманд қарашган.

Аммо Худойназар бригаднинг орзулари ушалмади. Мактабни туппа-тузук битирган бўлишига қарамай, ўғли Амин институтга, яъни амалдорлик ўқишига киролмади.

...Туйқус хаёлимни дўстимнинг мобил телефони жиринглаб бузди. Амин шошилмай, қайроқтошдай аппаратни қулоғига тутди. Тута-тута, орқа ўриндиққа амалдорлардай ястаниб олди.

— Эшитаман...

Улар узоқ гаплашишди. Гоҳ у сўради, бу жавоб берди, гоҳ бу тушунтирди, у эса тинглади.

— Ким билан гаплашдингиз? — деб сўрадим қизиқсиниб, ниҳоят дўстим телефонни қатлаб қўйгач.

— Вилоят ҳокимлигидан, — деди Амин жилмайиб. — Ўғит масаласида бироз суҳбатлашдик. Уюшмадан ўғит олиш бизга анча қимматлик қиляпти. Тўғридан-тўғри «Навоийазот» билан шартнома қилиш ниятидаман. Шу масалада ўз таклифларимни қоғозга тушириб, ҳокимликка киритгандим. Раҳбарлар беэътибор қолдиришмабди. Келинг, ёрдам берамиз, дейишди.

Аминга анграйиб қолдим. Оддий бир фермернинг вилоят миқёсидаги раҳбарлар билан бемалол гаплашиши, ўз фикрини уқтириши менга жуда ғалати туюлди. Беихтиёр олд ўриндиқда хаёлчан ўтирган қарияга юзландим.

— Худойназар бува, сиз ҳам обкомдагилар билан бемалол гаплашармидингиз? Машҳур бригад эдингизку?!

— Йўғ-э, — деб юборди қария гўё қаршисида обком вакили пайдо бўлгандай чўчиб тушаркан, — биз обком тугул, райком хизматчисининг олдида ҳам тек қотиб турганмиз, худди солдатдай. Ўзимизча гапириш қаёкда?! Сўраса жавоб берардик, буюрса «хўп» дердик.

Мен яна Аминга қарадим. Қарадиму шаҳар кўчаларини чангитиб юравериб, қишлоқ ҳаётидан анча-мунча узилиб қолганимни англаб етдим. Мана, қаршимда қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган туб ислоҳотларни ўзида мужассам этган тирик тимсол — дўстим Амин турибди! Донишмандларча юритилган сиёсат, ғамхўрлик, қаранг, кечагина қоқилиб-сурилиб юрган инсонни нақадар ўзгартирган! Бир пайтлар отаси унинг «тўра» бўлишини орзу қилган эди. Мана, савлат ва виқорда қайси амалдордан кам дўстим Амин?!

— Худойназар бува, — дея тағин гап қотдим қарияга, — Аминнинг амалдорликка ўқиёлмай қолгани чатоқ бўлди-да, юрарди ҳозир бир устулни эгалла-аб...

— «Устул» дейсан-а, болам, Аминбой ҳозир оламжаҳон ернинг эгаси. Мулки бор. Мулки борнинг эрки бор, эрки борнинг кўрки бор, дейишган қадимгилар. Локин... тўғрисини айтсам, боланинг бошини ота силагандан кўра, юрт Отаси силасин экан. Чунки чўққидаги инсон узоқни кўради, келажакни кўзлайди. Бизга ўхшаб оёғи остидагини кўрмай қолмайди, болам.

— Худойназар бува, ўша машҳур пахтакорлик пайтингиз мулкдор бўлишни, ер эгаси бўлишни ҳеч хаёл қилганмисиз?

Қария изтироб билан бош чайқади.

— Э-э, қайда болам, пешонамизда бори шу экан, деб ўтдик. Локин... биров-ярим ўйлаганлар ҳам бор эди. Локин... уларнинг боши кулфатдан чиқмади. Ҳув, қизилқоқлик Исмоил гуррини эслайсанми?

Албатта, эслайман. Раҳматлик Исмоил ака шундоққина кўз ўнгимда турибди. Калтабўй, қош-мўйловлари ўқталган қиличдай, серғайрат бригадир эди. Дангал, дали-ғули бўлгани учун эл-улус унга «гурри» лақабини тиркашган: Исмоил гурри! Исмоил ака мажлисларнинг бирида ҳаммани ҳангу манг қилиб ташлаган. «Ўртоқлар, — дебди у гоҳ пастдагиларга, гоҳ юқорида ўтирган раҳбарларга кўз ташлаб, — давай, Қизилқоқдан юз гектар ерни менга хатлаб берингглар. Шу дала менинг мулким бўлсин. Ҳам тирикчилигимни қилай, ҳам ҳамқишлоқларимни боқай, давлатга ҳам фойдам тегсин».

Исмоил гурри тилидан топди. Уни ўша йиғиндаёқ қўлларини орқага қайириб олиб кетишган. Шўрлик қай гўрдаги авахталарда уч ой ётди. Сўроқ-терговдан боши чиқмади. Яхшиям, қишлоқда бир-икки кайвони кишилар бор экан. Ўшалар кўргуликка лоқайд қараб турмай, Исмоил гуррини қутқариш илинжида югуриб-елишди. Тажрибали ҳуқуқшунослар билан маслаҳатлашиб, пойтахтдаги шифохоналарнинг биридан ҳужжат-хат тўғрилаб келишди. Исмоил гуррининг жинни эканига гувоҳлик берувчи ушбу бир парча қоғоз, мулкталаб шўрликнинг жонига оро кирди. Ҳали ўз айбини тузукроқ англаб етмаган Исмоил гурри бир амаллаб қутулиб чиқди. Бироқ шу-шу, бечора ўнгланмади. Бригадирликдан ҳайдалди, маҳаллий раҳбарлар эътиборидан қолди. Кимлардир ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ дейдиган бўлишди. Охир-оқибат, Исмоил ака орадан уч йил ўтмай, чинакам руҳий хасталик касридан вафот этди.



— Раҳматлик жўрам, — деди Худойназар бува кўзи ёшланиб, — ўлими олдидан, «Ё, Худо, ерни эгасига берадиган, элнинг Эгасини бошимизга юбор», деб илтижо қилганди. Мазлумнинг дуоси ҳамиша ижобат-да. Яратганга шукр, ахди улуғ, шаҳди улуғ Президентли бўлдик. Худойим, у кишининг доим юзини, йўлини ёруғ қилсин. Шу ёруғда биз ҳам манзилимизни кўзлаб юрайлик.

Шу пайт Аминнинг телефони тағин тилга кирди. Дўстим яна ким биландир жўшқин сўзлаша бошлади. Бу гал суҳбат аллақандай сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи асбоб-ускуна ҳақида бўлди. Афтидан, Аминнинг режалари каттага ўхшайди. Қишлоғида қандайдир кичик корхона очмоқчи, шекилли. Гурунг оҳанги шунга монанд.

Мен унга ҳануз ҳайрат билан тикиламан. Тикиламану хаёлимда ҳалигина Худойназар бува тилга олган ҳикматли ибора чарх уради: мулки борнинг эрки бор, эрки борнинг кўрки бор. Нақадар гўзал ҳақиқат! Ҳақиқатки, у фермер дўстим Аминнинг юз-кўзида балқиб турибди. Аминнинг қиёфасидаги виқор, ўктамлик аслида унинг руҳида, онгида мавжланаётган куч-қудрат, шижоатдан дарак. Бу куч-қудрат, шижоат манбаи — Ишонч! Ўз-ўзига, келажакка ишонч. Лекин Амин битта эмас. Бугун юртимизда минглаб аминлар ерга, мулкка эгалик нашидасидан масрур. Бунинг ҳаммаси Исмоил ака, Худойназар буваларнинг дуоси ижобат бўлганидан қутлуғ мужда!

Бугун биз мустақиллигимизнинг 16 йиллик қутлуғ тўйи арафасида турибмиз. Биз одатда зафарлар, ютуқлар борасида сўз кетган чоғ, кўпинча чиройига-чирой қўшилаётган шаҳар-қишлоқларимиз, гуркираб ўсаётган иқтисодимиз, қурилаётган йўллар, иншоотлар ҳақида гапирамиз. Албатта, бундай бунёдкорликлар инкор этиб бўлмас ҳақиқат. Бироқ шу ўринда мамнуният билан таъкидлаб ўтиш ўринлики, бугун — мустақил, руҳий-маънавий қиёфаси янгича, ишонч-эътиқоди мустаҳкам бир авлод шаклланди. Мустақиллигимизнинг энг улкан, энг шарафли ютуғи ана шунда. Хоҳ қишлоқда, хоҳ шаҳарда бўлсин, бу авлод осмон тоқидаги камалакдек яққол кўзга ташланади: Мулкли, Эркли, Кўркли!

***Луқмон БЎРИХОН.***




### Августдаги меҳнат — пахтадан юқори ҳосил олиш гарови

***Август ойида қилинган меҳнат – пахтадан мўл ҳосил олишнинг гаровидир, деган гап бежиз айтилмаганини оддий бир деҳқон сифатида мен жуда яхши биламан. Чунки бугун ўрни далада бўлган киши борки, албатта, экинидан кутган ҳосилини олади, юзи ҳам ёруғ бўлади. Ғалвир сувдан кўтарилганда ер чизиб қолмайди.***

# ҲАР БИР КУН ҒАНИМАТ

Очиғи, баъзилар "Август келди-ку, энди буёғи терим" деб ишни сусайтиришади ҳам. Йўқ, аслида айнан август ойида парваришни кучайтирган кишигина ютади. Кўп кузатганман, ғўза — жуда эътиборталаб ўсимлик. Масалан, культивацияни олайлик. Қатор ораларида техникани, бироз бўлса-да, тез ҳаракатлантириб бўлмайди. Сабаби, ўсимликдаги гул тўкилиб кетиши, пайдо бўлган кўсаклар эса шикастланиши мумкин. Айримлар культивацияни тезроқ якунлаш ниятида шошилишади ҳам. Аммо пахтачиликда суяги қотган деҳқон бундай қилинса ҳосил бой бериб қўйилишини жуда яхши билади. Шунинг учун ҳам культивация меъёрида ва сифатли ўтказилгани маъқул. Бу билан ғўза ривожи янада тезлашади. Асосийси, ҳосилдорлик ошади.

Ўзимиздан келиб чиқиб айта қолай. Дашт ерда деҳқончилик қиламиз. 32 гектар майдонда "Бухоро-102" навли ғўза парваришлаяпмиз. Учинчи озиқлантиришни тугатай деб қолдик. Суғоришда шарбат усулидан фойдаланаётганимиз яхши натижа бераяпти. Ҳозир ҳар тупда ўртача 5-6 тадан бўлиқ кўсак бор. Чамалаб кўрдим. Агар ишловни янада кучайтирсак, камида 28 центнерлик марани эгаллаймиз. Механизаторимиз Илҳомжон Қурбонов культивациянинг ҳадисини олганлардан. Бу ишни оби-тобида бажармоқда.

Асад ойида зараркунанда ҳашаротлар ҳам жонланади, ғўзага жиддий хавф сола бошлайди. Шу боис дала назоратчиларимиз ҳушёрликни, бир зумга бўлса ҳам сусайтиришгани йўқ.

Қисқаси, бугун ҳар бир кун, ҳар дақиқа ғанимат. Ундан унумли фойдаланиш, ҳосилга ҳосил қўшиш асосий эътиборда бўлмоғи даркор. Ахир, йил бошида қилган лафзимиз кузда тўпланажак ҳосил салмоғи билан ўлчанади-да.

**Абдуллажон СОБИРОВ,**
**Тошлоқ туманидаги**
**"Файзли Тожихон она" фермер хўжалиги раҳбари.**



# ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЎҲНА ВА БЕТАКРОР ШАҲАРЛАРИ ПОКИСТОН МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДА

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Марғилон VIII асрдаги араб ва хитой манбаларида тилга олинган. Қадимда тарихчилар Марғилон шойиси ва отлари ҳақида алоҳида завқ билан ёзишган. Жумладан, энг қимматбаҳо маҳсулотлардан бири ҳисобланган, марғилонлик ҳунармандлар томонидан тайёрланган шойи матолари Миср, Греция, Бағдод, Хуросон, Қашқарга етиб борган».

Кўҳна шаҳар заминида яшаган машҳур давлат ва дин арбоблари тўғрисида ёзар экан, «Balochistan Today» Бурҳониддин Марғиноний номини алоҳида ҳурмат билан ёдга олади. «Унинг номи Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Имом ал-Мотуридий, Маҳмуд Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрор Валий каби ислом динининг буюк алломалари қаторида туради», деб таъкидлайди нашр.

Журнал бу кўҳна шаҳарнинг бугунги куни ҳақида тўхталар экан, Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг Марғилоннинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганига, шаҳар ўзида ҳам тарихийлик, ҳам замонавийликни бирдек мужассам этганига ўқувчилар эътиборини қаратади.

Ўзбекистоннинг Покистондаги элчихонасида Самарқанднинг 2750 йиллигига бағишлаб ўтказилган учрашув ҳақидаги «Самарқанддан муҳаббат билан» салавҳали хабар эса **«Liberty International» журнали** саҳифаларида чоп этилди.

Мақолада Самарқанд Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз, Марғилон, Тошкент каби Ўзбекистоннинг бошқа қадимий шаҳарлари билан бирга мусулмон маданияти, илм-фани ва меъморчилигининг марказларидан бири эканлиги қаламга олинган.

«Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан сўнг ислом меъморчилигининг кўҳна ёдгорликларини қайта тиклаш ва асраб-авайлаш, қадимий шаҳарлар, жумладан, Самарқанд тарихини ўрганиш юзасидан кенг кўламли ишларни амалга оширди, деб таъкидлайди журнал. Бу саъй-ҳаракатлар шарофати билан кўҳна Самарқанд 2750 ёшда эканлиги илмий жиҳатдан тўла тасдиқланди. Шаҳар юбилейи тантаналари шу йил Ўзбекистонда халқаро ҳамжамият иштирокида кенг нишонланади».

Урду тилида нашр этиладиган **«Мукалма» журналида** «Тошкент – ислом маданияти пойтахти» рукни остида «Ўзбекистон – илм-фан, истеъдодлар, эзгулик ва нафосат юрти» сарлавҳали мақола босилиб чиқди.

Мақола муаллифи – Осиё цивилизациялари жамиятининг аъзоси, профессор Юсуф Азиз шу йилнинг апрель ойида жамият делегацияси таркибида мамлакатимизда бўлиб қайтган эди. У ўзининг ушбу сафари таассуротларини журналхонлар билан ўртоқлашган.

«Ям-яшил водийлари, жазирама чўллари, ажойиб, юмшоқ иқлими билан бир қаторда Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида ўзининг алоҳида тарихий ва маданий ўрнига эгадир, деб ёзади олим. Тарихий шаҳарлар орасида ўзининг кўрки ва улуғворлиги билан Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Марғилон, Термиз алоҳида ажралиб туради. Юрт бўйлаб чор тарафда боғ-роғлар ва хиёбонлар ястаниб ётибди. Мамлакатда ота-боболар хотирасига ҳурмат билан муносабатда бўлинаётгани Ўзбекистонга ташриф буюрган зиёратчи ва сайёҳлар эътиборини ўзига тортади. Мустақиллик йилларида тарихий ҳақиқатни тиклаш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди. Айнан шу мақсадда Ўзбекистонда қадимий меъморчилик ёдгорликларини қайта тиклаш ва асраб-авайлаш, буюк олимлар, шоирлар, давлат ва дин арбоблари ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Бу чора-тадбирлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан 2007 йилда Тошкентни Ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши бунинг ёрқин мисолидир».

**«Жаҳон» АА.**
Исломобод.

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Лейбористлар сайловга тайёрланмоқда

Буюк Британия Лейбористлар партияси муддатидан илгари парламент сайловлари ўтказишга тайёргарлик кўришни бошлади. Манбада келтирилишича, мазкур умумхалқ тадбири шу йилнинг октябрида бўлиб ўтиши мумкин. Бу маълумотни партия раҳбари ўринбосари Мартин Солтер ҳам тасдиқлади.

## Биржадаги ўзгариш

Нью-Йоркдаги «NYMEX» биржасида сешанба куни бир баррель нефтнинг баҳоси рекорд даражада кўтарилди, яъни 78,21 доллардан сотилди. Таҳлилчиларнинг фикрича, «қора олтин»нинг кўтарилишига Нигерияда нефть қазиб олиш ҳажмининг вақтинча қисқартирилиши тўғрисидаги хабар сабаб бўлган. Таъкидлаш керакки, мазкур мамлакатда қазиб олинаётган энергия хом ашёси асосан Америка бозорларига экспорт қилинади.



## 500 миллион долларлик кредит

Венесуэла Беларусга 15 йиллик муддатга 500 миллион доллар кредит ажратмоқчи. Бу ҳақда Беларусь Бош вазири ўринбосари Владимир Семашко «БЕЛТА» ахборот агентлигига маълум қилди. Мазкур маблағ Венесуэла билан ҳамкорликда мамлакатдаги нефть конларини ўзлаштиришга ва турар-жой бинолари қурилишига сарфланади.

Эслатиб ўтамиз, 30 июль куни Беларусь Россия билан 1,5 миллиард долларлик кредит масаласида келишувга эриша олмади. Ушбу кредитни расмий Минск «Газпром» қарзларига йўналтиришни режалаштирганди.

## Хайр, Шимолий Ирландия



Буюк Британия Шимолий Ирландиядан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетди. Англия контингенти 38 йил мобайнида маҳаллий полицияга минтақада тартиб ўрнатишга кўмаклашди. Бу кампанияда 300 минг ҳарбий иштирок этди. Эндиликда ички хавфсизликни маҳаллий полиция таъминлайди. Шимолий Ирландиядаги Буюк Британия армияси қўмондони генерал Ник Паркер ўтказилган махсус амалиётлар минтақада сиёсий вазиятни яхшилашга катта ёрдам берганлигини таъкидлади.

1969 йили католиклар ва протестантлар ўртасида юзага келган қонли тўқнашувларни бартараф этиш учун Шимолий Ирландияга қўшин киритилганди. Ўтган вақт мобайнида Бирлашган Қироллик армияси 763 ҳарбийсидан айрилди. Эслатиб ўтамиз, шу йилнинг май ойидан бошлаб Шимолий Ирландия Буюк Британия томонидан тўғридан-тўғри бошқарилмайдиган бўлди.

## Актёр террактга алоқадор

**Болливуднинг таниқли киноактёри Санжай Датт олти йилга озодликдан маҳрум этилди. Унинг 1993 йил 12 мартда Бомбейда амалга оширилган террактга алоқадор эканлиги исботланди. Ўшанда амалга оширилган давомли террорчилик хуружи оқибатида 257 киши қурбон бўлганди. Актёр террорчиларни қўллаб-қувватлаган, хусусан, у қурол-яроғни ноқонуний қўлга киритгани ва уни сақлаганини тан олди. У шу пайтга қадар гаров пули эвазига озодликда юрганди.**

## Дарфурга қўшин киритилади

БМТ Хавфсизлик Кенгаши бир овоздан халқаро ҳамжамият ва Африка иттифоқи билан ҳамкорликда шакллантирилган тинчликпарвар кучларни Суданнинг Дарфур музофотига жўнатиш тўғрисидаги резолюция лойиҳасини тасдиқлади. Мазкур лойиҳа Буюк Британия, Бельгия, Конго, Франция, Италия ва Словакия билан ҳамкорликда тайёрланди. Унга кўра, минтақага БМТ ва Африка иттифоқининг 26 минг нафар қўшини киритилади.



## Гейтс акцияларини сотмоқда

Билл Гейтс «Microsoft» компаниясининг икки миллион дона акциясини сотди. Бу ҳақда Билл Гейтснинг ўзи журналистларга маълум қилди. Бундан олдинроқ дунёнинг энг бой кишиси шу йилнинг охирига қадар ўз акцияларини сотиш эвазига 3 миллиард доллар жамғариб олмоқчи эканлиги тўғрисидаги хабарлар тарқалганди. Бунинг учун у ҳафтасига 50 миллион долларлик акцияларини қимматли қоғозлар бозорига чиқариши лозим.

«Microsoft» раҳбари 2008 йили компания бошқарувидан кетмоқчи.

## Муносабат ўзгариши мумкин

**Еврокомиссия Польшадаги гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда гигиена меъёрлари қўпол равишда бузилганини аниқлади. Мамлакатдаги тўртта компаниянинг ЕИ бозорларига ўз маҳсулотларини киритиши бутунлай тақиқлаб қўйилди. Таъкидлаш керакки, 2005 йил ноябрь ойидан буён Россия ҳам Польшадан сифатсиз гўшт маҳсулотлари импортини тақиқлаб қўйганди. Шу пайтга қадар бу масалада расмий Москва ва Варшава ўртасидаги баҳс-мунозараларда Еврокомиссия Польшанинг нуқтаи назарини қўллаб-қувватлаётганди. Эндиликда ЕИнинг бу масалага муносабати ўзгариши мумкин.**



*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*

# МАНЗИЛ ЯҚИН, МУРОД ҲОСИЛ

***Бугунги кунда халқ хўжалиги тармоқлари ичида йўловчи транспорти тизими аҳолига намунали хизмат кўрсатиш бўйича бошқа соҳаларга нисбатан етакчи ўринларни эгаллади. Ўзаро рақобатчилик даражаси эса савдо соҳасидан сўнг иккинчи ўринга чиқди. Бинобарин, йўловчи транспорти турларининг аҳолига ҳозирги кундаги хизмат кўрсатиш даражаси бундан беш-олти йил аввалгисидан кескин фарқланади. Сабаби — соҳада турлича мулк шакллари вужудга кела бошлагач, давлат йўловчи транспорти хизматида ижобий томонга ўзгаришлар рўй берди.***

— Шундай қилинмаса, хусусий сектор билан давлат корхоналари ўртасида пайдо бўлган рақобатга дош бериб бўлмайди, — дейди биз билан суҳбатда пойтахтимизнинг Сергели туманидаги "4-автобус саройи" очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Мирёқуб Тўлаганов. — Чунки бир вақтлар йўловчилар бизнинг ортимиздан чопган бўлсалар, эндиликда биз уларнинг ортидан қувадиган бўлиб қолдик. Бундан ташқари, ҳозир одамларнинг дунёқараши ҳам кескин ўзгарган. Транспортга танлаб чиқадиган бўлиб қолишган. Давлат корхоналари билан хусусий сектор ўртасидаги бундай кескин рақобат биздан аҳолига намунали хизмат кўрсатишни тақозо этмоқда. Шуни назарда тутиб, яқинда «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик компанияси томонидан корхонамизга Самарқандда ишлаб чиқарилаётган "Исузу" русумли 10 та автобус берилди. Айни пайтда улар турли йўналишлар бўйича қатнаб, ҳамшаҳарларимиз узоғини яқин қилмоқда. Бундан ташқари, тасарруфимиздаги юздан зиёд "ЛАЗ", "ЛиАз" автобуслари ҳам жорий таъмирдан чиқарилиб, ички салонлари, ўриндиқлари бугунги кун талабига мослаштирилди. Натижада йўловчи-мижозлар сони ортиб, кунлик-ойлик нақд пул топшириш режалари ортиғи билан уддаланмоқда. Ўтган ярим йил мобайнида шаҳар аҳолисига 20 миллон сўмликдан зиёд транспорт хизмати кўрсатилди. Ушбу кўрсаткичлар салмоғи йил охирига қадар янада ошиши кутилмоқда. Бунинг учун эса 600 кишидан иборат корхонамизда деярли барча шароитлар мавжуд.



Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан жамоамизда ишчи-хизматчиларни доимий равишда моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга доир махсус дастур-режа ишлаб чиқилган. Унга кўра, ижтимоий ҳимояга муҳтожларни ўқитиш, иш билан таъминлаш учун 6 миллион, дори-дармон харид қилиш, спорт клублари ташкил этиш, соғломлаштириш масканларига йўлланмалар бериш, тарихий шаҳарларга саёҳатлар уюштириш, бошқа ҳомийлик ёрдамлар кўрсатиш ҳамда маънавий-маърифий бурчаклар ташкил этиш учун 6 ой мобайнида 20 миллион сўм сарфланди.



Хизмат

Яқинда мазкур дастур доирасида жамоамиздаги талай ишчи-хизматчиларимизга Сирдарё вилоятидаги дам олиш оромгоҳида саломатликларини тиклашлари учун йўлланмалар берилди. Яна бир гуруҳ ходимларимиз эса Самарқанд шаҳридаги тарихий обидаларни зиёрат қилиб қайтишди. Эндиликда, ишчи-хизматчиларга янада етарли шароит яратиш, уларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш мақсадида корхонамизда замонавий услубда тикланган маъмурий бинони ва 50 ўринга мўлжалланган ошхонани ишга туширишни ният қилганмиз. Айни пайтда бу ерда қурилиш-монтаж ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Ўйлаймизки, корхонамизда амалга оширилаётган эзгу ишлар ўз самарасини беради, жамоамизни улуғ мақсадлар сари етаклайди.

**Усмон УСМОНОВ.**

## 2007 йил 31 июлда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2007 йил 1 августдан киритиладиган кўмир учун декларация қилинган нархларни қайд этиш 19-03-22-05-O'zR-46-2007-сонли реестрини тасдиқлади.

| Монопол бирлашма (корхона) номи | Маҳсулот номи | Ўрта ҳисобланган меъёри, % | | Ўлчов бирлиги | ҚҚС билан 1 тонна маҳсулотга улгуржи нарх (сўмда) |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Куллик | Намлик | | |
| «O'ZBEK-KO'MIR» OAJ | 2 BPK 50-300 (200) Бюджет ташкилотлари учун | 14,4 | 35,8 | тонна | 9086 |
| | Биржа орқали | 14,4 | 35,8 | тонна | 16348 |
| | Аҳоли учун | 14,4 | 35,8 | тонна | 16348 |
| | 2BOMSSH 0-50 | 23,8 | 35 | тонна | 24826 |
| | 2BOMSSH-B-1 0-50 | 32,5 | 35 | тонна | 19272 |
| | 2BOMSSH-B-2 0-50 | 46,7 | 35 | тонна | 10529 |
| | 2BR 0-300 (200) Бюджет ташкилотлари учун | 21,8 | 35,5 | тонна | 16500 |
| | Саноат корхоналари учун | 21,8 | 35,5 | тонна | 24219 |
| | 2BR-B-1 0-300 (200) | 32,5 | 35,5 | тонна | 18619 |
| | 2BR-B-2 0-300 (200) | 46,7 | 35,5 | тонна | 9595 |

Изоҳ: маҳсулот кули ва намлиги бўйича ўртача ҳисобланган меъёр фоиз ҳисобида GOST 8298-89, GOST 8302-87, Tsh 12-17:2001, Tsh 12-18:2001, GOST 8297-87 мувофиқ ўрнатилган. Кўмир сифати бўйича ўзгариш бўлганда чегириш (ёки қўшиш) меъёрлари № 03-01-1988 прейскурант бўйича қўлланилади. Кул бўйича ҳар бир фоиз кўпайиши ёки камайишига белгиланган нархдан 2,5%, намлик бўйича 2,0% миқдорида.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ



«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.



*Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.*

Маҳсулот сертификатланган.

Манзил: 700005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

УЛЬЯНОВСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ДИЛЕРИ

«VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ

Тошкентдаги омборхонадан Ульяновск автозаводида ишлаб чиқарилган енгил ва юк автомобилларини сотади.



UAZ Hunter



UAZ Patriot Comfort

UAZ Patriot Classic
UAZ Patriot Limited

ЕНГИЛ АВТОМАШИНАЛАР

ЙЎЛОВЧИ ВА ЮК ТАШУВЧИ АВТОМАШИНАЛАР

Шунингдек, фургон УАЗ-3741, юк ортиш учун ҳажмли УАЗ-3909, 4x4 MPV: микроавтобус УАЗ 2206, санитар автомашинаси УАЗ-3962 автомобилларини етказиб беришга буюртмалар қабул қилинади.

*Харидорлар диққатига! Автомобилларни лизингга, кредитга олиш бўйича акциядорлик тижорат «Ҳамкорбанк»нинг барча филиалларига мурожаат қилишингиз мумкин!*



Юк ташувчи УАЗ-3303.



Юк ва йўловчи ташиш учун махсус УАЗ-39625.



Қўшимча кабинали УАЗ 39094.

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Тел./факс: 149-33-69, 150-20-43. Манзил: Тошкент ш., Беруний к., 83-уй.

Товар сертификатланган

Қўшма UZBARRELPRODUCTION корхона

ПЛАСТМАССА БОЧКАЛАРИ



Қуйидагиларни сақлаш ва ташиш учун мўлжалланган:
*Озиқ-овқат маҳсулотлари: (сут, пасталар, мойлар, ёғлар, спирт),
*Агрессив моддалар: (кислоталар, ишқорлар, бўёқлар, мойлаш материаллари) ва бошқалар.

Европа стандартлари. Ҳажми 10, 20, 30, 60, 155, 200, 220 литр, тор ва кенг бўғинли.

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Афросиёб шоҳкўчаси,12. Тел./факс: (99871) 152-56-01, 152-74-14. Сайт: www.uzbp.uz e-mail: uzbp@mail.ru, office@uzbp.uz

АТРОФ-МУҲИТ ТОЗАЛИГИ — СОҒЛИҒИМИЗ ГАРОВИ!

EKONORDRAGMET

Гигиеник сертификат № 135016

СТРГ СОРБЕНТИ

(графитли парчаланган сорбент)

ишлаб чиқаради ва янги ноёб технология бўйича саноат корхоналари чиқинди суюқликлари, сув устидаги нефть маҳсулотлари, мойлар, шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган бошқа зарарли моддалардан халос қилиш учун СТРГ сорбентини қўллаган ҳолда иш олиб боради.

Сув ва ерга нефть маҳсулотлари тўкилиши натижасида вужудга келадиган нохуш ҳолларни бартараф этишда ҳам СТРГ сорбенти қўлланилиши мумкин.

СТРГ сорбенти ҳозирда қўлланилиб келинаётган сорбентларга нисбатан шимиб олиш (адгезия) хусусияти, каваклари катталиги билан фарқ қилади, сувда чўкмайди ва атроф устки қатламларини ифлосламайди. Иссиқликка чидамлилиги очиқ ҳавода — 300°С, инерт муҳитда — 3000°С.

**СТРГ юқори шимиб олиш хусусиятига эга бўлиб, 1 кг. сорбент 40 кг. дан 60 кг. гача тўкилган нефть ва нефть маҳсулотларини шимиб олади.**

ҚК республиканинг барча қизиқиш билдирган муассаса, ҳокимият, корхона ва фирмалари билан ҳамкорлик қилишга тайёр.

Ўзбекистон, 100015, Тошкент ш., Афросиёб к., 12-уй. Тел.: (99871) 152-15-84. Факс: (99871) 152-74-14. E-mail: ekonordragmet@mail.ru; eko-uz@yandex.ru

УзКДБ Банк

объявляет о продаже служебного автомобиля марки «Daewoo Magnus Eagle L6»

со следующими характеристиками:

год выпуска — 2003, тип кузова — седан,
цвет — белый перламутр,
двигатель новый, объем — 2 492 куб.см,
мощность — 162 л.с./5 800 об/мин,
клапанов на цилиндре — 4 штуки, кожаные сидения,
климат-контроль, CD-плеер (MP3),
коробка передач автоматическая немецкой марки ZF,
пробег — 130 000 км.
Двигатель заменен после 120 000 км пробега.
Противобуксировочная система AQS отключается простым нажатием кнопки.

*Срок подачи заявок — 10 дней с момента публикации объявления.*

По вопросам приобретения обращаться по телефонам: 120-80-00, 120-61-40.

Контактное лицо — Наталья Лебедева.

BELARUS

МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ

*Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали*

МТЗ «Беларусь» ТРАКТОРЛАРИ

МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.



Маҳсулот сертификатланган

KAMMAZ ARSENAL

Тошкент ш., «Братислава» к., 11. Тел.: 361-40-75, 361-40-90. Факс 361-40-33. Сайт: www.uzkam.com

